O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
HOKIMINING
**QARORI**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**
ХОКИМА
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

2018 yil «23» август № 435 Farg'ona shahri

**Данғара тумани ҳокимининг 2018 йил 15 августдаги 990-сонли қарорини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги "Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3657-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12-13 июн кунлари Фарғона вилоятига ташрифида Олтиариқ туманида кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилиш баёни топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида, Данғара тумани ҳокимининг 2018 йил 15 августдаги 990-сонли қарори юзасидан Фарғона вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссияси"нинг тегишли хулосаларини ҳамда тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Ер Кодекси", "Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН**

1. Данғара тумани ҳокимининг 2018 йил 15 августдаги 990-сонли қарори ва вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссияси"нинг тегишли хулосаси тасдиқлансин.

2. "Фарғонабалиқсаноат" маъсулияти чекланган жамиятига Данғара тумани захирасида бўлган умумий майдони 382 гектар, шундан 328 гектар сув хавзалари ўрни, 6 гектар йўл сўқмоқлари ўрни, 48 гектар бошқа қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонида жойлашган (собиқ "Ўрай" МЧЖ) балиқчилик кўлларини доимий фойдаланиш хуқуқи билан белгиланган тартибда ажратиб берилсин.

3. «Фарғонабалиқсаноат» маъсулияти чекланган жамиятига:

ажратилаётган ер майдонларидан белгиланган мақсадда оқилона фойдаланиш;

ажратилган ер майдонларида тегишли ташкилотларнинг рухсатисиз ва лойиҳа хужжатларисиз қурилиш ишларини амалга оширмаслик мажбуриятлари юклатилсин.

4. Вилоят Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси (Маъмуров), Давлат солиқ бошқармаси (Хабибиддинов), Статистика бошқармаси (Шамшидинов) ҳамда Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ибрагимов) томонидан тегишли ҳисоботларига ўзгартиришлар киритилиши таъминлансин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Ш.Тешаев зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими** **Ш.Ғаниев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYAT HOKIMIYATI BAYON QISMI